

### ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ

Вобкент ТЭТ корхонаси ва Вобкент туман Халқ таълими бўлими билан 99999000 умумий суммасидаги  
2022 йил 10- январ № 9 -сонли шартномага

Боб:

Шахсий ғазна ҳисобварақ 100022860062127092100075046

(сўмда)

2022 й. ойлар номи	Харажатлар тури			Жами
	42 21 000			
Январ	39999600			39999600
Феврал	29999700			29999700
Март	29999700			29999700
Апрел				
Май				
Июн				
Июл				
Август				
Сентябр				
Октябр				
Ноябр				
Декабр				
Жами йил бўйича	99999000			99999000

Жами 99999000 сўм (Туксон туккиз миллион туккиз юз туксон туккиз минг ) сум  
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 29999700 сум ёки шартнома умумий суммасидан 30% 2022-йил январ ойида олдиндан  
туланиниши лозим .

Буюртмачи раҳбари

М.Ў.

Буюртмачи  
бош бухгалтери



(имзо)

Ш.Хусенов  
Ф.И.О.

Д.Иноятгов  
Ф.И.О.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди \_\_\_\_\_  
(имзо)

2022 й. «    »

Буюртмачи ходими  
қабул қилди \_\_\_\_\_  
(имзо)

2022 й.

## БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил 10-январ

9- сонли

Вобкент туман

Вобкент ТЭТ корхонаси (кейинги ўринларда "Корхона" (энергия билан таъминловчи ташкилот номи) деб юритилади) нинг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Ж.Тураев бир тарафдан ва Вобкент туман Халқ таълим бўлими мудири (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Ш.Хусенов иккинчи тарафдан тизимдаги ҳисоб варағи - 100022860062127092100075046 ушбу шартномани куйидагилар ҳақида тузишлар:

### I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармоқ орқали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда "Энергия" деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган қуввати 750 кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юқламали соатларида катнашувчи ҳақиқий максимал қувват (кейинчалик "Қувват") учун ҳақ тўлайди.

### II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми 222220 кВт.с. ни ташкил қилади.\*

2.2 Шартнома тузилган кунда етказиб бериладиган Энергиянинг йиллик нархи 450 сўм, Қувватнинг нархи 99999000 сўми (амалда бўлган тариф асосида ташкил қилади).\*

Шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан \_\_\_\_\_ 99999000 \_\_\_\_\_ сўм

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан-

2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Қувватни) ушбу шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган миқдорда етказиб беради.\*

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Қувват) миқдори Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади (2-илова).

Ҳисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоб қилишига мўлжалланган Энергия ва Қувватни ҳисобга олишнинг бошқа воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими билан мос келиши, Истеъмолчининг ҳисобидан сотиб олинishi, давлат кўрсаткичидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вақили томонидан рўйхатга олинishi ва таъминланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-илоvasидаги Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми \_\_\_\_\_ кВт.с.ни ташкил қилади.

### III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Қувват учун ҳисоб-китоб даври бир ой.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив энергия, шунингдек Қувватнинг ҳисобга олинishi электр тармоқларининг баланси бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)

Агар Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш прибори баланси бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги Энергиянинг технологик сарфининг ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли билан далолатномга тузилган ҳолда (4-илова) аниқланади ва ҳақ тўлашда ушбу электр тармоғининг баланси бўйича мансубликка қараб, Корхона ва Истеъмолчи ҳисобига ўтказилади.

3.3 Корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда энергия ва қувватнинг ҳақиқий сарфини аниқлаш учун ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади.

3.4 Истеъмолчи келгуси ҳисоб-китоб даврига у бошланишидан олдин Энергия ва Қувватнинг шартномавий ҳажми нарҳини 50 фоизи миқдорда олдиндан тўловни амалга ошириши шарт.

Истеъмолчи ҳисоб-китоб даврида ҳақиқий истеъмол қилган Энергия ва Қувват учун шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилади ва тўлик тўловларни навбалаги ой бошланғичга қадар амалга оширади.

Истеъмолчи қилинган Энергия ва Қувват учун Истеъмолчининг қарздорлиги, шартномада белгиланган миқдордан кўп истеъмол қилинганлиги учун жарима ва пеня мавжуд бўлса, олдиндан тўлов сифатида ўтказилган маблағлари қарздорликни тугатишига йўналтирилади ва олдиндан тўлов сифатида ҳисобга олинмайди.

3.5 Корхона ҳар ойнинг 25 санасигача Истеъмолчи билан биргаликда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олинishi билан бир вақтда, ҳисоблагичларнинг тартиб рақамларини ҳамда амалда истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳисоботни расмийлаштиради (5-илова).

Ҳисобот асосида Корхона тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истеъмолчи ҳисоб-фактурани олади.

Истеъмолчида турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган тақдирда ҳисоб-китоблар ҳар бир объект бўйича кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ҳисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни ҳисобга олганда Истеъмолчининг қарздорлиги аниқланса, Корхона хизмат кўрсатувчи банк орқали тўловни амалга ошириши учун акцепт билан тўлов талабномаси беради.

3.6 Истеъмолчи томонидан Энергия (Қувват) истеъмоли ҳақида ҳисобот тақдим этилмасида ёки ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёзиб олинмаси, Корхона томонидан ҳисоб-китоблар истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича, кейинчалик Истеъмолчи билан бирга аниқланган ҳақиқий истеъмол қилинган Энергия учун қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда, амалга оширилади. Бунда, Корхона хизмат кўрсатувчи банкка белгиланган тартибда тўлов талабномаси ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

3.7 Актив ва реактив Энергия (Қувват) учун ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги Низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Электр энергия тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

Истеъмолчиларни тегишли тариф гуруҳига мансублиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Электр ва исенлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисида низомга мувофиқ белгиланади.

3.8 Тарифлар ўзгаришида Истеъмолчи етказиб бериладиган Энергия ва Қувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлаш керак.

Таърифлар ўзгарганда "Корхона" бюджетдан маблағ олувчини хабардор қилиши ва томонлар янгитаърифлар бўйича қўшимча келишув тузишлари лозим қўшимча келишув тегишли Ҳазначилик бўлимида ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган сўнг, янги таърифлар бўйича ҳақ тўланади.

Бунда, Истеъмолчи тариф ошган вазиятда тўлов кундан бошлаб кейинги 12 ойдан ошмаган муддатга олдиндан тўланган Энергия миқдорига қўшимча ҳақ тўлашдан озол этилади.

3.9 Энергия (Кувват) учун Корхона ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар Истеъмолчи томонидан Корхонанинг ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.10 Агар Истеъмолчи Энергиянинг бир қисмини субистеъмолчига бир ставкади тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчиларнинг энергетика тизимининг энг қатга юкламасида қатнашувчи юкламаси қийматига қайтариш билан Кувват миқдори учун ҳақ тўлайди.

3.11 Реактив Энергия (Кувват)ни ўрнини тўлдириш учун ҳисобга олиш нуктаси бўйича ўргача ойлик Энергияси истеъмоли Истеъмолчининг кВт.соатдан ортиқ бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, электрлаштирилган (электр энергияси билан юрадиган) темир йўл, шахар трансюрти, кишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига нисбатан амалга оширилади.

3.12 Корхона ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги ҳисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солиштирув далолатномасини тузади.

3.13 Энергия (Кувват) истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг Автоматлаштирилган тизимига уланган Истеъмолчиларга Энергия (Кувват) етказиб бериш олдиндан тўланган ҳақ доирасида амалга оширилади.

3.14 Истеъмолчининг айби билан Энергия ушбу шартномада талаб этилган ҳажмдан кам истеъмол қилинса, олдиндан тўланган маблағлар қайтарилмайди, кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.15 Ҳисобга олиш прибори Истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу қабилар) ҳисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки Энергия бошқача усулда ўтирилган ҳолларда, биргаликда иккита томонлама далолатнома расмийлаштирилади ва шу асосда Корхона Истеъмолчининг электр тармоғидан узиб қўйиш ҳуқуқига эга. Далолатнома асосида ҳисобга олиш приборлари охири марта ўзгартирилган ёки уларни ўлаш схемаси текширилган кундан бошлаб бутун ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган, давр учун электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати ва Истеъмолчининг 4-иловада кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича Энергия сарфи қайта ҳисоблаб чиқилиш шарт.

Корхона 3 иш кунини мобайнида Истеъмолчига тўлаш учун қўшимча тўлов ҳужжати ёзиб беради, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкка тўлов ҳужжатларини тақдим қилади.

Истеъмолчи қўшимча тўлов ҳужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани мажбурий тартибда қонун асосидан ўзидириш чораларини кўради. Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичининг ёзиб олиш ўлаш схемасини текшириш деб ҳисобланмайди.

#### IV. ЭНЕРГИЯНИ ЧЕКЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1 Истеъмолчи томонидан Корхона билан биргаликда, Энергияни чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ягона электр энергетикаси тизимида Энергия ва Кувват таъминоти ҳолатларида ягона электр энергетикаси тизимининг барқарор параллел ишлашини таъминлаш, авариялар юзага келишининг олдини олиш ҳамд Истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишини бартараф этиш учун чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ишлаб чиқилади.

Узиб қўйиш жадваллари Истеъмолчи томонидан Корхона вакиллари билан узиб қўйиш жадваллари жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дарҳол амалга киритилади.

Ушбу билдиришнома Истеъмолчи томонидан бажарилмаганда, Корхона Истеъмолчининг оғохлантирилгандан кейин Энергия ва Кувват истеъмолининг белгиланган даражада қайтарилиши таъминловчи миқдорда Энергия бўйича мажбурий равишда чеклайди.

4.2 Электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни оғохлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда, Энергия узатишда узиб қўйиш ёки чеклашларга руҳсат этилади.

4.3 Куйидаги ҳолларда Корхона Истеъмолчига Энергиянинг етказиб берилишини тўхтатиш ва узиб қўйиш оқибатлари учун жавоб бермаслик ҳуқуқига эга:

- а) Энергия (Кувват) шартномавий миқдордан кўп сарфланганда ёки Энергия (Кувват) истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;
- б) электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истеъмол қилинганда;
- в) "Ўзстандарт" агентлиги томонидан қисқаслашган ўтказилган Энергияни ҳисобга олиш приборлари бўлмаганда;
- г) Энергия (Кувват) учун шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлов тўланмаганда;
- д) Корхона тармоқларига электр қабул қилгичлар ўзбошимчалик билан уланганда ёки Кувват шартномада белгиланган миқдордан ошириб юборилганда;
- е) электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборларидан ташқари уланганда ёки Энергияни ҳисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан ҳисобга олиш приборларининг ва ўлаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда;
- ж) Корхона вакили ҳисобга олиш приборларини кўришга қўйилмаганда.

4.4 Электр манбаидан узиб қўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёни (махсус тартибда Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатида киритилганлар) саноат корхоналарида қардорлик пайдо бўлган тақдирда ҳақ тўланмаганлиги учун Энергия етказиб бериш чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлиқ узиб қўйиш эва – факат суд қарорига кўра амалга оширилади.

4.5 Барча юқорида кўрсатиб ўтилган вазиятларда ягона электр энергетика тизими электр тармоқларига қайта ўлаш ва Энергия етказиб берилишини тиклаш ишлари Истеъмолчи томонидан шу билан боғлиқ харажатлар қоплангандан кейин навбат билан амалга оширилади.

#### V. ТАРАФЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;
  - б) Энергиянинг электр тармоқларининг бўлиниши чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб бериш талаб қилиш;
  - в) электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада сақлаш талаб қилиш;
  - г) Корхонанинг электр тармоғи хўжалиги объектларини режали таъмирлашни туғайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган зулиқлар тўғрисида узиб қўйишга қамчида 3 сутка олдин оғохлантириш талаб қилиш;
  - д) Энергиянинг тегишли миқдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда Энергиянинг шартномавий миқдорини ўзгартириш талаб қилиш;
  - е) Олдиндан ҳақ тўланганлигидан қатъий назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини қайтариш томонига ўзгартириш талаб қилиш.
- Бундай талабномалар назарда тутилмаганда ўзгартиришлардан (жорий ой тугашидан) 10 кундан кечикмай берилиши лозим.

5.2 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
  - б) келгуси ҳисоб-китоб ойи учун Энергия (Кувват) ҳажмига шартномада белгиланган муддатда ҳақ тўлаш;
  - в) Электр қурилмаларини зарур техник ҳолатини ва Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда Хавфсизлик техникаси қондаларини риоя қилиши ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;
  - г) 7-иловада мувофиқ компенсация қурилмалари иш режимига (реактив энергия ва кувват, истеъмоли) риоя қилиш;
  - д) энергетика тизимининг энг қатга юкламали соатларида талаб этилган Кувватдан қўшмаслик.
- Истеъмолчи Корхонанинг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиш ва хабар қилиш шарт:
- истеъмол қилинадиган Энергиянинг (Кувватнинг) суткалик, ойлик сарфлари ва ҳақиқий миқдорини;
  - ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврида реактив энергиянинг (куватнинг) ҳар суткалик сарфи;
  - ягона электр энергетика тизимининг энг қатга юкламасининг ўтиш даврида Энергиянинг (Кувватнинг) ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

5.3 Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) шартномада белгиланган тартибда ва керакли ҳажмда шартнома мажбуриятлари бажарилишини талаб қилиш;
- б) ҳисоб-китоб даврининг ҳар қайси кунига ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирув далолатномасини тузиш.

5.4 Корхонанинг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
- б) Энергияни шартномада белгиланган ҳажмда электр тармоқларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз етказиб бериш;
- в) Истеъмолчиларга Энергияни етказиб беришнинг тўхтатиш турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълум қилиш
- г) жорий этиладиган чеклашлар ҳақида, чеклашнинг ҳажми ва вақтининг кўрсатган ҳолда, ўз вақтида хабар қилиш;

д) Истеъмолчиларнинг Энергия керакли миқдорда етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар ҳақидаги аризаларини олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмадан кўриб чиқиш, уларни баргараф этиш ва бағависил жавоб юбориш;

е) Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ 5 кун муддатда ойлик шартномавий миқдорга ўзгартиришлар киритиш, Энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш), имконияти бўлмаган тақдирда эса бу тўғрисида Истеъмолчига рад этишнинг сабабини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабар қил

#### VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилган ҳақиқий зарар айбдор тараф томонидан иккинчи тарафга тўланиш шарт.

6.2 Энергияни етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилса ёки Энергия шартнома миқдорининг 5 фоиздан ортиқ миқдорда етказиб берилмаса, Корхона ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун Истеъмолчига бажарилмаган мажбуриятлари суммасининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Энергия нарҳининг 50 фоиздан ошмаслиги керак. Пеня тўланиши Корхона шартнома шартларини керакли ҳажмда бажаришдан ва етказиб бериш муддатининг узайтирилиши ёки Энергиянинг керакли ҳажмда етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни қоплашдан овоз этмайди.

6.3 Етказиб берилган Энергия учун ўз вақтида ҳақ тўламаса, Истеъмолчи Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,4 фоизи (Энергия махсус тартибда берилувчи корхоналар учун 0,4 фоиз) миқдорда пеня тўлайди. Буида, пенянинг умумий суммаси муддати ўтказиб юборилган сумманин 50 фоиздан ошмаслиги керак.

Пеня ҳисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганидан кейин бошлаб ҳисобланади.

6.4 Истеъмолчи ҳисобот даврида шартномада кўрсатилган миқдорга нисбатан 5 фоиздан ортиқ Энергия истеъмол қилганда, ҳисоб-китоб даври учун шартномада кўрсатилган ортиқ истеъмол қилинган жами ҳажм учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорда Корхона фойдасига жарима тўлайди (6,5 баида кўрсатилган ҳолатлар буидан мустасно).

6.5 Ушбу шартномада белгиланган Энергиянинг тегишли ҳажми учун олдиндан тўловни амалга ошириш шарт билан Истеъмолчининг таклифи бўйича ҳисоб-китоб даври тугашидан 10 кун олдиндан кечиктирмадан Энергиянинг шартномавий ҳажмларига киритилган ўзгартиришлар шартномада белгиланган ҳажмда кўп истеъмолга қирмайди.

6.6 Корхона:

а) Истеъмолчи Энергия истеъмолчининг белгиланган режимига риоя қилмай, Энергия истеъмоли ёки Қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган, Корхонаси томонидан белгиланган Энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли Энергия етказиб берилганлиги учун; б) заҳира манбаини автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида Энергияни етказиб беришдаги таъриффуслар учун Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

6.7 Истеъмолчининг ягона электр энергетика тизимининг энг катта кучланишли соатларида амалдаги юкламаси шартномада назарда тутилган кўрсаткичдан 5 фоиздан ортиқ бўлган тақдирда, ҳисоб-китоб даврининг охирида амалдаги юкламанин ортикча бутун қисми учун қайта ҳисоб-китоб қилинади ва белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорда қўшимча ҳақ ундирилади.

Қўшимча Қувватга ҳақ тўланиши келгусида ҳар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли руҳсат олмадан ушбу шартномада талаб этилганидан ортиқ Қувватдан фойдаланиш ҳуқуқини бермайди.

6.8 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, ел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туғайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа жавобгар бўлмайдишлар.

#### VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Ғазначилик бўлимасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган қида бошлаб кучга қиради)

7.2 Шартноманин барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.3 Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартномани амал қилиш муддати тугаган, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Бундай ариза шартнома амал қилиш муддатининг охириги ойи мобайнида тақдим қилиниши лозим.

Шартномаянги муддатга узайтирилганидан унинг шартлари тарафлар келишуви абиноан ўзгартирилиши мумкин. (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабр да Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган "Давлат бюджетининг таъин ажроси Қоидалари" га асосан белгиланади). "Давлат бюджетининг ёзна ажроси Қоидалари" га асосан амал қилиш муддати "31" декабр 2022 йилгача белгиланади).

7.4 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

7.5 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Электр энергетикаси тўғрисида" ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари" ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

7.6. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиққан тақдирда, тарафлар, қоидага қўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар қўрадилар. Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар қонунчилиқда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал қилинади.

#### VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Корхона»


«Истеъмолчи»

Вобкент ТЭТ корхонаси  
Ҳисоб рақами 22636000600487303320  
Банк коди (МФО) 00086  
ИНН 201188400 ОКОНХ 11170  
Телефонлар: 33-22-508,  
Банк номи СКБ АТБ Бухоро филиали  
Статистик кодлар:  
ДВНБТ (СОД) У 04423  
МНЮБТ (СОД) У 1706212

Раҳбар Ш.Хусенов  
(Ф.И.Ш.)  
М.Ў.

Вобкент туман Халқ таълим бўлими  
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)  
Манзил: Вобкент туман Галаба кучаси №9А уй  
Тел./факс 99865 33 21-863  
ШХР 100022860062127092100075046  
ИНН 201408275 ИФУТ 92310  
Вобкент туман бўйича Ғазначилик бўлимаси  
(Ғазначилик бўлимасининг номи)  
Г/хр 203402000300400001010 СТНР 201122919  
Банк номи Тошкент ш Марказий банк  
МФО 00014

Раҳбар Ш.Хусенов  
(Ф.И.Ш.)



М.

## Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarni qonun hujjatlariga muvofiqligi to'g'risida huquqiy xulosa

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi:

Vobkent tuman Xalq ta'limi bo'limi va Vobkent tuman elektr ta'minoti o'rtasida tuzilgan 99999000 so'mlik energiya ta'minoti to'g'risidagi shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Mazkur shartnoma Vobkent tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 10-yanvarda markazga taqdim etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti  
10.01.2022 yil.



B.G'aybullayev